

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2005 йил 12 октябрь, чоршанба

№ 82 (11.781)

Эркин нарҳда сотилади

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 11 октябрь куни Оқсаройда Россия Федерациясининг саноат бўйича федерал агентлиги раҳбари Борис Алёшинни қабул қилди.

Б.Алёшин Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Россия ҳукуматлари орасида комиссиянинг ҳамраисидир. У мазкур комиссиянинг Тошкентда ўтган навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг яқинда Санкт-Петербургда бўлиб ўтган учрашуви ҳам ҳамкорликнинг кўлам ва даражасини ҳар томонлама ошириш билан боғлиқ принципиал масалаларга бағишланди.

Меҳмон Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг учрашувида эришилган келишувлар ўзаро муносабатларни яна-

да ривожлантиришда, айниқса, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришда муҳим омил бўлаётганини қайд этди. Ҳукуматлар орасида комиссиянинг Тошкентда ўтган навбатдаги мажлиси юксак савияда ташкил этилгани ва муваффақиятли яқунланганини алоҳида таъкидлади. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

У.А.

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА ЯРМАРКАСИ АНЪАНАВИЙ ТУС ОЛАДИ

Биринчи Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси кунларида 1,1 миллион тонна пахта толасини етказиб бериш бўйича 90 дан ортиқ шартнома имзоланди



Бу дастлабки маълумот бўлиб, шартнома тузиш ишлари давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвес-

тициялар ва савдо вазирлиги маълумотларига кўра, ярмаркада эришилган келишувларга биноан Тошкентда сотиб олинмаган пахта толасининг умумий миқдори 1,5 миллион тоннани ташкил этади.

Бу ҳақда ярмарканинг дастлабки натижаларига бағишланган мажлисда маълум қилинди. Аввал хабар қилингандек, ярмарка Ўзбекистон ҳукумати томонидан Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси, жаҳоннинг энг йирик пахта бўйича ихтисос-

лашган нашрларидан бири «Cotton Outlook» журнали билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда 26 мамлакатдан 200 дан ортиқ компания вакиллари иштирок этди.

Биринчи Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркасининг ўтказилиши Президент Ислоҳ Каримов томонидан кўйилган ўзбек пахтасини жаҳон бозоридан сотишнинг замонавий эркин механизми яратиш вазифасини бажаришда навбатдаги босқич бўлди. Республикаимиз халқаро пахта савдосида етакчи

ўринлардан бирини мустақам эгаллаб турибди. Ўзбек пахтасининг сифати бутун дунёга машҳур, уни ўнлаб мамлакатлар харид қилмоқда. Бу борада пахта етиштириш, тайёрлаш, сақлаш ва транспортировка қилишни тавминлаш, бозор конъюктурасига қараб экспорт нархларини белгилаш тизими шакллантирилди. Бу эса чет эллик хариддорларнинг шартномалар тузиши учун қулай шароит яратмоқда.

(Давоми 2-бетда).



СУРАТЛАРДА: ярмарка иштирокчилари Янгийул туманида. Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.



Вилоят ҳокимлигида ИМКОНИЯТЛАРНИ ҚўЛЛАШ ДАВРИ

Вилоят ҳокимлигининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича мажмуаси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлиги тегишли гуруҳ ва қотибятлари ходимлари, бошқармалари бошлиқлари иштирок этишди. Йиғилишда вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдуҳамид Йўлдошев бошқарди.

2005 йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида вилоятни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш яқунлари, корхоналарнинг молиявий аҳоли, иқтисодий ноҳор, зарар кўриб ишловчи корхоналарни молиявий соғломлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар, фуқароларнинг муносабатлари тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда иқтисодий ислохотлар вилоятни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш суръатларини кўтариш имкониятларини кенгайтираётгани, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қурилиш ва реконструкция, капитал таъмирлаш соҳаларида муайян натижаларга эришилганини таъкидлади. Чунинчи, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш режасида 8,1 фоизга кўтарилишига эришилди. Табиий газ ва ичимлик сув тармоқларини барпо этиш режалари ошириб бажарилди.

Шу билан бирга йиғилиш иштирокчиларининг асосий эътибори иқтисодий-ижтимоий соҳаларда ишга солинаётган имкониятларга қаратилди. Республикада қурилиш-таъмирлаш ишларида иқтисодий ислохотлар очиб берилган имкониятлардан оқибатда фойдаланиш, хизмат кўрсатишни кескин яхшилаш лозимлиги уқтирилди. Вилоят ҳудудидаги корхоналарнинг молиявий аҳолини мутасил таҳлил қилиб бориш, иқтисодий ноҳор корхоналарга амалий ёрдам кўрсатиш, молиявий аҳолини соғломлаштиришда бозор муносабатлари таъминини кўпайтириш масалалари тилга олинди. Таъбиркорлик иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш суръатларини кўтаришда муҳим ўрин тутиши, уни эркинлаштириш асосида ўсиш суръатларини ошириш лозимлиги таъкидланди.

Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини қўриб чиқиш жараёнидаги камчилик ва нуқсонлар чуқур таҳлил қилинди. Йиғилиш муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.


Муносабат Республикаимиз Президентининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинишининг зарурати Конституцияимизнинг асосий ғояси — инсон ҳуқуқлари, демократия ва ижтимоий адолатга, халқаро ҳуқуқнинг умумий эътирофи этилган қондалари устуңлигига тўлиқ мосу келади. Энг асосийси, мазкур Фармоннинг қабул қилиниши конституциявий меъёрнинг ҳаётини ифодасидир. Чунки бу тарихий ҳужжат кучга кириши билан, ҳеч шубҳасиз, фуқароларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик борасидаги конституциявий ҳуқуқлари ҳимояси янада ортади.

ИНСОН ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИ — АСОСИЙ МЕЗОН

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида ёзилганидек, «инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадриятини ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади». Истиклолга эришилгандан буён ўтган давр низоҳатда қисқа бўлса-да, аммо босиб ўтилган йил низоҳатда самарали, Тараққиёт оидимлари залворли ва яшарган жамият бағрида шаклланган ушбу оламшумул жараён пировардида мамлакатимизда ҳақиқий демократияни кенг жорий этиш манбаи ва қаролатига айланди.

Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, айниқса, жинсий-жасолатли либераллаштиришга қарата қабул қилинган қўллаб ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар демократия томон юзланганининг чинакам ифодаси бўлди. Қамоққа олишга санкция

Пахта — 2005



Вилоятда пахта йиғим-терими ҳал қилувчи паллага кирди. Чиноз ва Куйичирчиқ туманларидан сўнг Бекobod, Юқоричирчиқ туманлари маррага тобора яқинлашмоқда. Оққўрғон ҳамда Бўка туманлари ҳам режани барвақтроқ бажаришга ҳаракат қилмоқда. Айнан шу туманларда кунига йиллик режанинг 2-2,5 фоизига етказиб хом ашё тайёрлашга эришилмоқда.

Харакатда барвақт, деганларидек, кунлик суръат юқори эканлигининг асосий сабаби ушбу туманларда ҳар кун теримда 30-33 минг киши фаол қатнашмоқда. Вилоят бўйича эса кунига 225 мингдан зиёд киши пахтазорга чиқмоқда. Бундан

ташқари, «Кейс» машиналари ҳам ишга солинмоқда. Ҳар кун 80-90 та ана шундай терим агрегати хирмонга 200 тоннадан зиёд хом ашё териб тўймоқда.

Кечаги кунга вилоят бўйича тайёрланган пахта 237735 тоннадан ошди. Бу йиллик режага нисбатан 86,45 фоизга тенгдир. Кунига эса ҳамон 2 фоздан ошириб пахта теришга эришилмоқда.

СУРАТДА: Уртачирчиқ туманидаги «Қорасув» пахта тозалаш заводи ишчиси (чапдан) Шариф Бозоров, лаборантлар Шахло Урозова ва Улбурсин Саидова бу йилги ҳосилдан мамнун. Хусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

ҚУЙИЧИРЧИҚ: ПАХТАКОРЛАРДА ҚАЙТА ИШОНЧ УЙҒОНДИ

Бир пайтлар «Тошкент технологияси» қанчалик шов-шув бўлиб, бутун республикага кенг ёйилган бўлса, Куйичирчиқ тумани ҳам пахтачилик соҳасида барқарор юксалишга эришиб, шунчалик донг таратган эди. Лекин, афсуски, давлатга пахта сотиш режасини ҳар йили қанда қилмай, биринчилар қатори бажармаган туманда кейинги йилларда турғунлик даври бошланиб, режа бажарилмай қолиши ҳоллари тез-тез юз бериб турадиган бўлди. Бориб-бориб, Куйичирчиқ қолоқ туманлар қаторига тушиб қолди. Давлат эҳтиёжлари учун пахта тайёрлаш шартнома режаси охириги марта қайси йили бажарилганини эндиликда кўпчилик эслолмаса керак.

Аммо, кейинги икки йил ичида пахтачиликда жонланish юз бераётгани сезила бошлади. Айниқса, бу йил куйичирчиқликлар тармоқда кескин бурилиш ясашга муваффақ бўлдилар. Давлатга пахта сотиш шартнома режаси вилоятда иккинчи бўлиб бажарилди. 13 минг 800 гектар майдондан бугунги кунга 35 минг 225 тонна ўрнига 36,5 минг тонна

сифатли хом ашё йиғиштириб олинди. Ҳосилдорлик 26,65 центнерданга тўғри келмоқда. Дикқатга сазовор жиҳати шундаки, туман пахтакорлари биринчи теримдаёқ режани 87 фоизга етказдилар. Яқин йилларда бирорта туман бундай юқори натижага эришмаган десак, муболага бўлмайдими. Қолаверса, режанинг 24 кунда бажарилиши ҳам дала-

ларда ҳар қачонгидан мўл ва эртаки ҳосил етиштирилганидан далолатдир.

Ҳўш, куйичирчиқликлар пахтачиликда бундай кескин бурилиш ясашга, кўп йиллик турғунликка барҳам беришга қандай қилиб эришилди?

Авалло шунини таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда туман ҳокимлиги ширкат ва фермер ҳўжаликларида раҳбар ва мутахассис кадрларни ўз ўрнига қўйиш масаласига жиддий эътибор қаратди. Хусусан, «Дўстлик», «Ужакент», «Гулистон» ширкат ҳўжаликлари бошқаруви раиси лавозимига ёш, изланувчан, ташаббускор, шу билан бирга ташкилотчилик қобилиятига эга мутахассислар тайинланди. Натижада айнан шу ҳўжаликлар режани биринчи бўлиб бажарди.

(Давоми 3-бетда).

ЭРТА ЭККАН — ЭРТА ЎРАДИ

Тошкент вилояти галлакорлари кузги дон экишни жадал давом эттирмоқда. Суғорилмаган майдонларга «Паловчанка» ҳамда «Крошка», лалми ерларга «Чиллак» ва «Интенсив» галла навлари экилмоқда.

Кузги дон экиш дала ишлари айни қизган паллага тўғри келади, — дейди Бўка тумани кишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими бош хосилоти Акмал Раҳмонов. — Шунга қарамай, ҳўжаликларда ишни тўғри ташкил этиш орқали барча агротехник тадбирларни ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилинмоқда. Бу борада кейинги йилларда тўпланган бой тажриба кўл келмоқда.

Қарийб ўн беш минг гектар майдонда дон етиштириб келаётган туманда кузги галланинг қасбий қисми гўза қатор оралирига экилади. Бундай шароитда ҳосилдорлик очик майдонлардан даярлик фарқ қилмайди. Энг асосийси, қайдам ютилади. Пахта ҳосили териб олинганча галла ҳам униб чиқиб, майсага айланади. Галлакорларнинг таъкидлашича, гўза қатор орасига дон экишининг иқтисодий самараси ҳам кўп.

Қатор оралар дон сепишдан олдин яхшилаб култивация қилинса, кифой. Ер ҳайдаш, бороналаш, мола босишга ҳоҳат йўқ.

Туманда галла ҳосили йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Бу йил ҳар гектар майдондан қирқ центнердан, жами 56 минг тоннадан зиёдроқ дон йиғиштириб олинди. Айрим пайкаларда ҳосилдорлик 72 центнерга етди. Бунда уруғлик тўғри танлангани яхши самара берди. Шу билан ҳам ҳўжаликларда бугунги навларини танлаб парваришлаш, кўпроқ элита уруғ экишга аҳамият берилмоқда. Бу йил 138 тонна ана шундай юқори сифатли уруғлик олиб келиб ҳўжаликларга тарқатилди.

Вилоят миришкўрлари кузги галла экишни 20 октябргача якунлаш ниятида меҳнат қилмоқдалар. Неймат ДУШАЕВ, У.А. муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА ЯРМАРКАСИ АНЪАНАВИЙ ТУС ОЛАДИ

Ўзбекистоннинг ҳамкорлари ички бозоримизда ўзини эркин хис қилмоқда. Шундай бўлса-да, пахта ни сотиш механизмини такомиллаштириш давом этмоқда. Тошкентда ўтказилган ярмарка бунинг ёрқин исботидир. Унда тadbиркорлардан ташқари пахта бозоридан мониторинг билан шуғулланувчи хорижий таҳлилчилар, экспертлар ҳам иштирок этди. Уларнинг тadbиркорлари Ўзбекистонда пахтачилик соҳаси катта саноатга эга эканини тасдиқлади.

Ярмаркада имзоланган шартномаларнинг ярмидан кўпи 2006-2007 йилги пахта ҳосили учун тузилган эътиборга молик. Бу хорижий шерикларнинг узок муддатли ҳамкорлик қилишга интилаётгани, уларнинг иқтисодий ва маънавий бaрқарор ва мустақамлиги бўлган ишончидан дарак беради. Ўзбек пахтасини экспорт қилиш географияси ҳам кенгайди. Масалан, Хитой, Россия, Корея Республикаси, Бангладеш, Ҳиндистон, Покистон, Вьетнам ва қатор бошқа мамлакатлар тadbиркорлари томонидан харид қилинган пахта миқдори ошди. Ушбу жараёни янада ривожлантириш мақсадида пахтачига талаб юқори бўлган хорижий давлатларда йирик оьборлар ташкил этишга қарор қилинди. Ярмаркада хитойлик шериклар билан ана шундай оьбор ташкил этиш тўғрисида шартнома тузилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси товар-ҳомаш биржаси ва Москва Фонд биржаси ўртасида ҳамкорликда фаолият юритиш тўғрисида шартноманинг имзоланиши яра-

марканинг муҳим натижаларидан бўлди. Чунончи, ушбу шартномага мувофиқ, Москвада Ўзбек пахтасининг бўлажак истеъмолчилари учун ЎзРТХБнинг савдо майдончаси ва консигнация оьбори ташкил этилди. Шартнома ҳар икки мамлакат биржаси технологиялари асосида ҳукуматлар тоар маҳсулот ва молия бозорини яратишга хизмат қилади.

Ярмарка иштирокчилари республикамиз жаҳон бозоридан сотишни мўлжаллаётган пахта толаси навлари билан батафсил таништирилди. Бунинг учун махсус экспозиция ташкил этилди. Бундан ташқари, чет эллик тadbиркорлар ва савдо агентлари Тошкент вилоти Янгийул туманида «Уфк» фермер хўжалиги ва Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги номидаги пахта заводи, шунингдек, Тошкент шаҳрининг Сирғали туманида жойлашган «Тошкент-Тол» ҳудудий пахта терминалида бўлди. Улар Ўзбекистон пахтачилигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида юз берган ижобий ўзгаришларнинг бевосита гувоҳи бўлди.

Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси юксак савияда ташкил этилди, — дейди Ҳиндистоннинг «Компент Групп оф Компани» компаниялари уюшмаси вице-президенти Хананжит Сингх Сахдев. — Музокара-лар жуда самимий руҳда ўтди. Биз пахта толасини ишлаб чиқариш жараёни ва халқаро стандартларга мос келадиган савдо шартлари билан танидик. Ўзбекистон пахта ярмаркаси илк бор ўтказилганига қарамай, унда ташкил этилган тadbирлар савияси Ливерпулдагидан кам бўлмади. Фикримча,

ушбу ярмарка Осиё пахта бозоридан мезон вази фасини ўтайди. Биз Ўзбекистон жаҳон пахта бозорининг етакчиларидан бири эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркасидаги иштирокчи-миз жуда самарали бўлди, — дейди Россиянинг «Стэл Плюс» ёпиқ акционерлик жамияти директори Александр Логинов. — Кўп миқдорда пахта толаси етказиб бериш бўйича шартнома имзоладик. Энди уни бошқа мамлакатлардаги трейдерлар орқали эмас, балки бевосита Ўзбекистоннинг ўзидан оладиган бўлдиқ. Ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлигимиз янада мустақамланади, деб умид қиламан. Жаҳон пахта бозоридан катта воқеага айланган ушбу ярмарка яқунлари ҳамкорлигимизнинг янада ривожланишига ишонч бағишлайди.

Тошкентда турли мамлакатларнинг кўплаб компаниялари вакиллари пахта толасини сотиб олиш билан боғлиқ барча масалаларни амалий ва бевосита муҳокама қилиш имконига эга бўлди, — дейди Халқаро пахтачилик ассоциацияси вице-президенти Питер Вэйкфилд. — Ўзбекистон пахта ярмаркасини мунтазам ўтказишга қарор қилинганидан жуда мамнунман.

Ҳақиқатан ҳам, энди Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси аънаваный тус олади. Биринчи Ўзбекистон пахта ярмаркаси ташкилотчилари ва иштирокчилари шундай фикрга келишди.

**А. ИВАНОВА,
О. НОРБЕКОВ,
Ф. САЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА МАХСУС
МУХБИРЛАРИ.**

Мамлакатимизда барча соҳалар қатори таълим, илм-фан соҳаларида ҳам ахборотлаштириш-коммуникация технологиялари кенг жорий этилаётди. Бу эса ўз навбатида электрон ўқув дастурлари, қўлланмалар, нашрларга бўлган эҳтиёжнинг ортишига сабаб бўлмоқда.

ЭЛЕКТРОН ЛУФАТЛАР

«O'zbekim dasturlari» электрон нашрлар таҳририяти айнан шу соҳада ўқувчи ва талабалар, тadbиркорлар учун электрон лугатлар тайёрлашда самарали фаолият кўрсатмоқда.

моаси «Ўзбек тилининг катта орфографик лугати», «Синонимлар лугати», икки ва уч тилик эквивалент лугатлар яратиш устида ҳам иш олиб бормоқда.

ЎЗА.

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Хитойнинг «Tianjin cotton exchange market» компанияси яқин келажакда қўшма савдо корхонаси тузиш билан ўзбек пахта толаси бозоридан ўз мавқеини мустақамлаш ниятида. Бу ҳақда компаниянинг бош менежери Би Южан маълум қилди.

Унинг сўзларига қараганда, компания делегацияси Тошкентда ўтказилган 1 – Халқаро ўзбек пахта ярмаркасида қатнашганидан сўнг бу фикрга келишган. Мазкур ярмаркада хитойлик мутахассислар сифатни сертификатлаш миллий тизими, ўзларини ҳар томонлама қониқтирадиган – товарларни импорт қилиш бўйича божхона шартлари билан кенгрок танишиш имконига эга бўлишди. Ҳамкорлик истиқболлари оид масалаларни янада аниқ муҳокама қилиш учун ярмаркага молиявий менежерлар билан биргаликда логистика, божхона йўналишидаги мутахассислар ҳам келишди.

Масаланинг яна бошқа жиҳати шундаки, Хитой тўқимачилик корхоналарининг ўзбек пахтасига бўлган эҳтиёжи йилдан-йилга ўсиб бормоқда, — деб таъкидлади Би Южан. — Бундан келиб чиқадиган ҳўлоса шуки, пахта ҳам ашбўни ишлаб чиқарувчиларга фойдалироқ шартларни тақлиф қилиб, бошқа харидорлар, жумладан, хитойлик харидорлар билан ҳам рақобатлашишга тўғри келади. Янги қўшма корхона компания мавқеини мустақамлашга ёрдам беради. Ҳозирги вақтда қўшма корхонани қим билан, қандай шартларда тузиш фойдалироқ экани ҳусусида фикр юритилмоқда. Хитойлик менежер компаниянинг «Uzprotextashim-reks» Ўзбекистон ташки савдо бирлашмаси билан ҳамкорлиги давом этишига умид билдириди.

«Туркистон-пресс».

СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон банклар уюшмасида «Тижорат банклари мутахассислари учун қимматли қоғозлар бозоридан янги технологиялар мавзусидаги семинар иштирокчиларига сертификатлар топширилди.

Президенти томонидан жорий йилнинг 15 втрайида имзоланган «Банк тизимини янада ислох қилиш ва эркинлаштириш чораси тadbирлари тўғрисида»ги қарорнинг ижросини таъминлаш юзасидан мамлакатимизда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Банклар уюшмаси томонидан тижорат банклари мутахассислари учун ташкил этилган икки кўнлик семинар ҳам ана шулар жум-

ласига қиради. Унда мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банкларининг 20 нафар мутахассиси иштирок этиб, ўзларининг билимларини мустақамлашди. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимиз молия бозоридан корпоратив облигациялар бозори ҳам жадвал суръатларда ривожланимоқда. Айни пайтда уюшмада корпоратив облигациялар бозоридан биржа савдоларидан ташқари янги савдо майдончаси ташкил қилинган. Бу банклар аҳо савдо тизими бўлиб, у Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорини самарали мувофиқлаштиришга қаратилган.

«Туркистон-пресс».

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги мажлиси яқунига етди. Мажлисининг иккинчи куни иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, турли йўналишларда ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва истикболлари юзасидан фикр алмашдилар.

Хусусан, банклараро алоқалар, ижтимоий-маданий, ил-

ТАНТАНАЛИ КУЗАТИШ МАРОСИМИ

Мамлакатимизда ҳарбий-тиббий кўриқдан муваффақиятли ўтган, мудофаа ишлари бошқармаси йигин ва чақирув пунктларидаги синовларда юқори балл тўплаган, ҳар томонлама баркамол йигитларни мудофатдаги ҳарбий хизматга кузатиш давом этмоқда.

Тошкент вилоти мудофаа ишлари бошқармаси йигин пунктда ўтказилган навбатдаги кузатув маросимида ҳарбийлар, ота-оналар, маҳаллий ҳокимият ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тadbирда сўзга чиққанлар Ватан ҳимоясига бел боғлаб, майдонда саф тортиб турган йилларни билдирилган ишончга мўносиб бўлишга, зиммаларидаги йигитлик бурчини аъло даражада адо этишга чақириб, уларга оқ йўл тилалди.

Дастлабки юз нафарга яқин чақирилувчини чегара қўшилари ҳарбий қисмлари га кузатдик, — дейди Тошкент вилоти мудофаа ишлари бошқармаси чақирув бўлими бошлиғи, подполковник Бахтиёр Иброҳимов. — Бугун ҳам барча синовлардан яхши ўтган юз нафарга яқин йигитни Ички ишлар вазирига қарашли ҳамда бошқа ҳарбий қисмларга жўнатаймиз.

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув муассасасида таълим олдим, — дейди оққўрғонлик Мурод Қозқобов. — У ерда кўп нарсани ўқиб-ўргандим. Хизмат даомида устозларим, ота-онам ва маҳалла аҳли билдирган ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

Кузатиш маросимида куйқўшиқлар рақсларга уланди, у ҳақиқий тантангага айланиб кетди.

**Ҳолмурод САЛИМОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.**

ЎЗАРО МАНФААТЛИ МУЛОҚОТЛАР

фан ва таълим соҳаларидаги муносабатларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама-этилди.

Ўзбекистон ва Россия ўртасида илм-фан соҳасида ҳам самарали алоқалар йўлга қўйилган. Сўнгги вақтларда фазони бир-бирига тадқиқ этиш ишлари би-

лан бу борадаги ҳамкорликнинг янги қирраси очилди. Тadbирда иқтисодий тarmoқларини, шунингдек, икки томонлама илмий-техникавий алоқаларни, Ўзбекистон ва Россия олимларининг ўзаро мулоқотларини янада фаоллаштириш масалалари атрофича муҳокама этилди.

Томонлар ўзаро ҳамкорликни бугунги кун талаблари, ҳозирги сибсий-иқтисодий воқелик нукта назаридан таҳлил қилиб, келажакда йўналтирилган янги қўшма режа ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда мазкур мажлис муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

ЎЗА.

Қарор ва ижро

Мамлакатимизда ижтимоий инфратузилмани биринчи навбатда қишлоқларда янада ривожлантириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан белгиланган давлат дастури изчил амалга оширилмоқда. Бу борада «Тошвилоятсувоқав» корхонаси томонидан қандай ишлар қилинапти? Корхона раҳбари Ғолиб Маждидов билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.

— Дастурда кўрсатилганидек, 1999-2005 йилларда республикамизнинг қишлоқ жойларида жами 18000 километр узунликдаги сув тармоқларини ишга тушириш режалаштирилган, — дейди Ғолиб Маждидов. — Бу, аввало, давлатимиз томонидан халқ фаровонлигини ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни янада кучайтириш учун амалий чоралар кўрилатганидан далолатдир.

Вилоят ҳокимининг «2005 йилда вилоят аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш манзилли дастури тўғрисида»ги қарори айнан мана шу ишларнинг жаддаллашувига, жумладан, мавжуд сув иншоотларини замонавий талабларга жавоб берадиган тарзда мукамал таъмирлашга қаратилган.

Режа бўйича вилоти-мизда бу йил 7 та қишлоқ аҳоли пункти (шундан 2 таси марказлашган, 5 таси мўқубил) ичимлик суви билан таъминлашни зарур. Жумладан, Оҳангарон туманидаги Қорахтой қишлоғини сув билан таъминлашни яхшилашга манзилли дастур бўйича маҳаллий бюджетдан 70 миллион сўм маблағ ажратилган. Ҳозирги кунда мазкур иншоотда қурилиш-монтаж ишлари кенг қўламда олиб борилапти. Утган йили бу ерда 20 миллион сўмлик иш бажарилган эди.

Бундан ташқари, шу тумандаги Нўғайқўрғон, Серкакирилди, Чинор, Пскент туманидаги Ойбулоқ, шунингдек, Бўстонлиқ туман-

Ҳақида қисқача тўхталсангиз?

— Ўзбекистон Президентининг «Республика иқтисодиёти тarmoқларини 2005-2006 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тadbирлари тўғриси-

КРЕДИТ ОЛИНСА ИШ ТЕЗЛАШАДИ

нинг Оқтош қишлоқларида ҳам мўқубил сув таъминоти йўлга қўйилапти. Серкакирилди қишлоғи сув таъминоти учун 2,5 километр узунликда қувурлар тортилди. Қурилиш-монтаж ишларида Оҳангарон «Сувоқав» корхонасига аҳоли томонидан уюштирилган ҳашар катта ёрдам берди.

Пскент туманининг Дўнқўрғон аҳоли пунктини марказлашган сув билан таъминлаш мақсадида ётқизилган бир километр узунликдаги қувурлар яқинда фойдаланишга топширилди.

Хуллас, бу ишларга манзилли дастур бўйича жами 47 миллион сўм маблағ ажратилди. Шунинг натижасида бир неча километр узунликдаги янги сув қувурлари ётқизилди ва жами 24 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

— Олдимизда мураккаб мавсум — қиш эскиб турибди. Унга тайёргарлик юзасидан корхона томонидан олиб борилаётган ишлар

да»ги ҳамда вилоят ҳокимининг «Вилоят иқтисодиёти тarmoқларининг мавсумда барқарор ишлаши таъминлаш тўғрисида»ги қарорларини бажариш юзасидан алоҳида тadbирлар ишлаб чиқдик, уларни тўла амалга оширишга ҳаракат қилаёмиз.

Ҳозирги кунга ҳам мавжуд 60 километр масофадаги қувурлар жорий, 16 километри эса мукамал таъмирланди.

Маҳаллий бюджетдан 120 миллион сўм маблағ мақсадида йўналишларга сарфланди. Жумладан, Олмazor қишлоғидаги сув оьбори тўлиқ реконструкция қилинди. Олмаллик насос станцияси ишга туширилди. Бу ишларда маҳаллий корхона ва ташкилотлар, тadbиркорлик субъектлари техника ва ишчи кўчлари билан қўшимча ёрдам кўрсатди.

— Корхона билан истеъмолчилар ўртасидаги шартнома мажбуриятларининг бажарилиши ҳақида нималар дея оласиз?

Шифокор маслаҳати

ГРИППДАН САҚЛАНИГ

Куз ўз ҳукмига кириб, ҳавонинг ҳарорати пасайиб, ёғин-сочинли кунлар бошланиши билан грипп касаллиги кенг тарқала бошлайди. Бу оғир вирус хасталиги бир маромда бораётган турмушимизни издан чиқаради, соғлигимиз ёмонлашишига сабаб бўлиб, муҳим режаларимиз аросатда қолиб кетишига олиб келади.


Олимларнинг тadbиркорларига қараганда, ҳар биримиз йилда бир марта бу хасталикка чалинаёмиз. Грипп ўткир респиратор вирус инфекциялари орасида асосий ўрин тутди. Фақат грипп вирусигагина эпидемиялар ва пандемияларни келтириб чиқаради. Бу касаллик хурж билан астма, диабет, юрак-қон томир тизими касалликларни кучайтириб боради. Кўпинча хасталик оғирлашиб, ўпка шашмоллашини келтириб чиқаради. Бу эса болалар ва кексалар ўртасидаги вилоти сабаблари орасида биринчи ўринда туради. Хасталик бемордан тарқалади. Касаллик бошланган биринчи кунлари унинг тарқалиш эҳтимоли айниқса, кучли бўлади.



Саллиқнинг олдини олишда муҳим ўрин тутди. Хасталик сезилиши билан дарҳол шифокорга мурожаат қилиш ва уларнинг маслаҳати билан даволашни чораларини кўриш лозим. Грипп ва ўткир респиратор вирусли касалликларнинг олдини олиш учун «Гексацит», «Декамевит», А, С, В витаминлари, диабазол ва бошқа шу каби дори-дармонлардан фойдаланмоқ лозим.

Ҳозирча вилоти-мизда гриппнинг тарқалиш вазиёти қайд қилингани йўқ. Фақатгина айрим беморлар шифокорларга мурожаат қилиб туришибди. Лекин грипп мавсуми эндигина бошланганлигини ҳам унутмайлик. Шунинг учун ҳар биримиз эҳтиёт чораларини кўришимиз керак бўлади. Бу хавфли касалликдан сақланиш ўзимизнинг сабб-ҳаракатимизга боғлиқ эканлигини асло унутмайлик.

**Ғофуржон ТОҶИБОВ,
шифокор-эпидеиолог.**



лакали ишчи-хизматчилар тақлиф этилди.

Ана шундай чора-тadbирлар ўз самарасини кўрсата бошлади. Ишлаб чиқариш ҳақида ой сайин ортиб бормоқда. Шу йилнинг февраль ойида жами 22 миң тонна цемент ишлаб чиқарилган бўлса, август ойида истеъмолчиларга 56 миң тоннадан ортик цемент етказиб берилди. Шифер тайёрлаш ҳам ой сайин кўпаймоқда.

Корхонада технология усунуларини яхшилашни олинавтган даромадининг кўпайиши ва ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш учун ҳам кенг им-

кониятлар яратди. Барча цехлар ишлаб чиқаришни бошқаришни энгиллаштирадиган компютерлар билан таъминланди. Ҳар бир цех ишчилари учун алоҳида ишчи кийимлари жорий этилди. Ошхона ва дам олиш хоналари замонавий усулда таъмирланди. Асосий ишлаб чиқариш бўли-малари ҳисобланган тегирмон цехида, айланма печларни бошқаришда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар учун тушлик таом тайёрланиб, бевосита иш жойига етказиб берилмоқда.

— Талаб ва эҳтиёж мутасил ошиб бораётган қим-

Ашурали БОЙМУРОДОВ.

ТАДБИРКОРЛАРГА ИЖАРАГА БЕРИЛМОҚДА

Тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланишга аҳд қилган фуқаролар биринчи навбатда бинога эҳтиёж сезадилар. Аммо, маблағ ва имкониятлари етарли бўлмағли мумкин.

Кўп ҳолларда шу муаммо туфайли ишчи бошлай олмайдилар. Бу мушкулни осон қилишга уларга Янгийўлда шахар ҳокимлиги ва унинг бинолардан фойдаланиш бўлими яқиндан ёрдам бермоқда. Фойдаланилмай ётган бино ва иншоотлар қатъий ҳисобга олинмиб, асосан, тadbиркорларга тузилма бер-по этиш ва ишлаб чиқаришни, хизмат кўрсатишни кенгайтиришлари учун бериляпти.

Шу йўл билан қатор иншоот ва бинолар ишбилармонларга ижара ҳақици тўлаш шарти билан ажратилди. Ҳаммаси бўлиб бўш ётган саксонга катта-кичик бинолар улар ихтиёрига топширилди. Жумладан, умумий сатҳи салкам бир миңг ўтти қвадрат метр бўлган олтига йирик бўш ётган бинолар тadbиркорларга ижарага берилди. 25 та бино эса аҳолига маъий хизмат кўрсатадиган тузилмаларга ҳавола этилди. Савдо-сотик билан шуғулланиш учун ижарага берилган бинолар қирқтага яқинлашди.

Собир ҲАМИДОВ.

